

## Қуръони Карим дарслари (58-дарс). Қуръони Каримнинг ҳазрати Усмон даврларидаги жамланиши



15:05 / 05.11.2019 7347

*(биринчи мақола)*

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анхунинг халифалик даврларида Қуръони Карим муҳофазаси учун яна бир иш қилиш зарурати туғилиб қолди. Ўша вақтга келиб, кўп диёрлар фатҳ қилиниб, турли араб бўлмаган халқлар мусулмон бўлгач, кишиларга Қуръони Каримдан таълим бериш учун устозлар етишмай қолди ва қатор бошқа сабаблар юзага келиб, Қуръони Каримни қироат қилишда ихтилоф бошланди.

Қуръони Карим муҳофазасига боғлиқ бу улкан хатарни биринчи бўлиб Озарбайжонни фатҳ қилишда юрган саҳобий Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу

анху англаб етдилар. У киши жангни ташлаб, пиёда Мадинаи Мунавварага қайтиб бордилар ва халифа Усмон розияллоҳу анхунинг олдиларига кириб:

«Умматни яҳудий ва насороларга ўхшаб, Аллоҳнинг китоби тўғрисида ихтилоф қилмасидан олдин сақлаб қол», дедилар. Яна баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтди. Нима бўлган бўлса ҳам, Қуръони Каримнинг муҳофазаси учун бўлди. Охири Абу Бакр розияллоҳу анху даврларида ёзилган мусҳафдан нусхалар кўчириш ва уларни биттадан қори билан турли марказларга юборишга қарор қилинди.

لَهَٰٓ اِي زَاغِي نَا كَو نَا مَثْعَى لَع مَدَق نَا مَي لَل اَبَ ءَفِي دُح ْنَا ُءَنَع ِل ل اِي ضَرَسَنَ اَنَ ع  
ي ف م هُ ف ا ل تَخ ا ءَ ءَفِي دُح َع زَفَ ا ف ِ ق ا ر ع ل ل ه ا ُ ع م ن ا ج ي ب ر دَا و ءَ ءَ ي ن ي م ر ا ح ت ف ي ف م ا ش ل ل  
ن ا ل ب ق ءَ ءَ م ا ل ا و د ه ُ ك ر دَا َ ن ي ن ي م و م ل ا ر ي م ا ا ي َ ن ا م ت ع ل ءَ ءَ ءَ ي دُح ل ا ق ف ِ ءَ ءَ ا ر ق ل ل  
ن ا ءَ ءَ ص ف ح ِ ي ل ل ا ن ا م ت ع ل ل س ر ا ف ِ ِ ر ا ص ن ن ل ل ا و د و ه ي ل ل ا ف ا ل ت خ ا ب ا ت ك ل ل ا ي ف ا و ف ل ت خ ي  
ا و ب ت ل س ر ا ف ِ ك ي ل ل ا ه ا د ر ن م ت ف ح ا ص م ل ل ا ي ف ا ه ا ح س ن ن ف ح ص ل ل ا ب ا ن ي ل ل ا ي ل س ر ا  
ن ب د ي ع س و ِ ر ي ب ز ل ل ا ن ب ه ل ل ا د ب ع و ِ ت ب ا ت ن ب د ي ز ر م ا ف ِ َ ن ا م ت ع ِ ي ل ل ا ءَ ءَ ص ف ح  
ن ا م ت ع ل ل ا ق و ِ ف ح ا ص م ل ل ا ي ف ا ه و ح س ن ف ِ م ا ش ه ن ب ت ر ا خ ل ل ا ن ب ن م ح ر ل ل ا د ب ع و ِ ص ا ع ل ل  
ن م ع ي ش ي ف ت ب ا ت ن ب د ي ز و م ت ن ا م ت ف ل ت خ ا ا ذ ل ِ ءَ ءَ ا ل ت ل ل ا ن ي ي ش ر ق ل ل ا ط ه ر ل ل  
ا و ح س ن ا ذ ل ِ ت ح ا و ل ع ف ف ِ م ه ن ا س ل ل ب ل ز ن ا م ن ا ف ِ ِ ش ي ر ق د ن ا س ل ل ب ُ ه و ب ت ك ا ف ِ ن ا ر ق ل ل  
ق و ف ا ل ل ك ِ ي ل ل ل س ر ا و ِ ءَ ءَ ص ف ح ِ ي ل ل ا ف ح ص ل ل ا ن ا م ت ع ِ د ر ف ح ا ص م ل ل ا ي ف ف ح ص ل ل  
ق و ح ي ن ا ف ح ص م و ا ءَ ءَ ءَ ي ح ص ل ل ك ِ ي ف ن ا ر ق ل ل ا ن م ه ا و س ا م ب ر م ا و ِ ا و ح س ن ا م م ر ف ح ص م ب  
ع م س ا ت ن ك د ق ِ ف ح ص م ل ل ا ن ح س ن ن ي ح ب ا ز ح ا ل ل ا ن م ءَ ءَ ا ت د ق ف ِ ت ب ا ت ن ب د ي ز ل ل ا ق و  
ن ب ءَ ءَ م ي ز خ ِ ع م ا ه ا ن د ج و ف ا ه ا ن س م ت ل ا ف ا و ب ا ر ق ي م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا ل و س ر  
ا م ه ا و ر ِ ف ح ص م ل ل ا ي ف ا ه ت ر و س ي ف ا ه ا ن ق ح ل ل ا ف ِ ِ ر ي ب ب ِ ر ي ب ب ِ ر ي ب ب ِ ر ي ب ب ِ ر ي ب ب ِ ر ي ب B  
ن و ي ش ر ق ل ل ا ل ا ق ف ِ ِ ه و ب ا ت ل ل ا و ت و ب ا ت ل ل ا ي ف ا و ف ل ت خ ا ف ِ ِ د ا ز و ِ ي ذ م ر ت ل ل ا و ي ر ا خ ب ل ل  
هُ ب ت ك ا ِ ل ا ق ف ِ َ ن ا م ت ع ِ ي ل ل ا م ه ف ا ل ت خ ا ا و ع ف ر ف ِ ِ ن ا ت ل ل ا ب ُ د ي ز ل ل ا ق ِ ل ل و ا ل ل ا ب  
ِ ش ي ر ق د ن ا س ل ل ب ل ز ن ءَ ءَ ن ا ف ِ ِ ت و ب ا ت ل ل ا ب

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Хузайфа ибн Ямон Усмоннинг олдига келди. У Шом аҳли ҳамда Ироқ аҳли билан Арманистон ва Озарбайжонни фатҳ қилишда ғазот қилаётган эди. Уларнинг қироатдаги ихтилофлари Хузайфани даҳшатга солган эди. Хузайфа Усмонга: «Эй мўминларнинг амири, бу умматни Китоб атрофида яҳудий ва насороларнинг ихтилофига ўхшаш ихтилофга тушмасидан олдин сақлаб қол!» деди. Усмон Ҳафсага одам юбориб: «Бизга саҳифаларни бериб юбор. Улардан мусҳафларга нусха кўчирамиз. Сўнгра сенга қайтариб берамиз», деди. Ҳафса уларни Усмонга юборди. У Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн Осс ва Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Хишомга буюрди, улар ундан мусҳафларга нусха кўчирдилар.

Усмон уч кишилик қурайшликлар тўпига: «Агар сизлар Зайд билан Қуръондаги бирор нарсада ихтилоф қилиб қолсангиз, Қурайш тили билан ёзинглар. Албатта, у уларнинг тилида нозил бўлгандир», деди.

Улар (шундай) қилдилар. Ниҳоят, саҳифаларни мусҳафларга кўчириб бўлишгач, Усмон саҳифаларни Ҳафсага қайтариб берди. Кейин ҳар бир юртга улар кўчирган бир мусҳафни юборди. Ундан бошқа Қуръондан саҳифалар ва мусҳафларга ёзилган барча нарсани куйдиришга амр қилди».

Зайд ибн Собит: «Мусҳафга кўчираётганимизда Аҳзобдан бир оятни топа олмадим. У(оят)ни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўқиётганларини эшитиб юрардим. Уни қидириб, Ҳузайма ибн Собит Ансорийда топдик: «Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бордир». Уни мусҳафдаги сурасига қўшиб қўйдик».

Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар. Термизий қуйидагини қўшимча қилган:

«Улар «табуут» (تُؤْبَأُتُ) ва «табуҳ» (تُؤْبَأُتُ)да ихтилоф қилишди. Қурайшликлар «Биринчиси каби ёзамиз», дедилар. Зайд «Иккинчиси каби ёзамиз», деди.

Ихтилофларини Усмонга айтишди. Бас, у: «Табуут» (تُؤْبَأُتُ) деб ёзинглар. Чунки у Қурайш тилида нозил бўлгандир», деди».

Ушбу ривоятдан жуда кўп хулосалар келиб чиқади.

Қуръони Карим қироати тўғрисида мусулмонлар орасида пайдо бўлган ихтилофларни йўқ қилиш ва кейинчалик ҳам ҳеч қандай ихтилоф чиқмаслиги учун чора кўриш фикри Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳудан чиққан. Бошқа ривоятларда айтилишича, бу мулоҳаза у кишидан бошқаларда, жумладан, ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг ўзларида ҳам бўлган. Аммо ишнинг амалга кўчишига айнан Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу сабаб бўлганлар.

Мусулмонларнинг Қуръони Карим қироатидаги ихтилофидан ташвиш чекаётган фақатгина Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу эмас эди. Балки ихтилоф кўпайиб, улуғ саҳобаларнинг ҳам қалблари изтиробга тушган эди.

Хусусан, одамлар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан узоқлашганлари сари, ушбу ҳолат яққол кўрина бошлади. Бу хабар Усмон

розияллоҳу анҳуга етганида, у зот ҳам ташвишга тушдилар. Ҳолат ёмон тус олишидан олдин бир йўл топиш кераклигини ўйладилар.

Ибн Жарир Табарий ўзининг тафсирида қуйидаги хабарни келтиради:

«Айюб Абу Қулобадан ривоят қилиб, шундай дейди:

«Усмон халифалигида бир муаллим бир кишига қироатни ўргатса, бошқа муаллим бошқа кишига қироатни ўргатар, талабалар кўришганларида ихтилоф қилиб, масалани ўз устозларига кўтариб чиқишарди. Ҳатто баъзилари баъзи қироатларни куйфга чиқаришди. Ушбу ҳолат Усмонга етди. Шунда у хутба қилиб: «Сизлар менинг олдимда туриб, бу хусусда ихтилоф ва лаҳн (хато) қиласизлар. Мендан узоқ бўлган шаҳар аҳллари ихтилоф ва лаҳнда бундан-да қаттиқроқ бўлса керак. Эй Муҳаммаднинг саҳобалари, инсонлар учун йўлбошчи (мусҳаф) жамланглар!» деди».

Ихтилофнинг кучайишига бошқа машҳур мусҳафларнинг борлиги ҳам туртки бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин Усмон розияллоҳу анҳу инсонларни бир мусҳафга жамлагунга қадар анча муддат ўтди. Шу муддатда Ҳафса розияллоҳу анҳонинг мусҳафлари атрофида бошқа мусҳафлар ҳам танилиб қолди. Ушбу саҳифаларнинг машҳурлари иккита бўлиб, улар Ибн Каъб мусҳафи ва Абдуллоҳ ибн Масъуд мусҳафи эди.

Яна танилмаган, машҳур бўлмаган бошқа мусҳафлар ҳам топилар эди. Бу ҳақда Ибн Надим «Ал-Фихрисат»да, Ибн Абу Довуд «Ал-Масоҳиф»да ва Ибн Ашта «Ал-Масоҳиф»да зикр қилган. Биз уларни санашга берилмоқчи эмасмиз. Чунки уларнинг қайси замонда бўлганлигини таъкидловчи саҳиҳ санадларга эга эмасмиз. Лекин ўша мусҳафларнинг бирортаси бизгача етиб келмагани аниқ. Улардаги сураларнинг тартиби тўғрисида ва баъзи қироатларнинг кўриниши хусусида матнлар етиб келган, холос. Ушбу матнларни ҳам диққат билан текшириб, ўрганиб чиқишга эҳтиёж бор.

*(Давоми бор)*

**«Қуръон илмлари» китобидан**